ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

MAHALLA

Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

№ 70-71 (202-203) | 2000 йил 27 сентябрь, чоршанба | Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган | Сотувда эркин нархда

XXI АСР МАҲАЛЛАСИ

Қашқадарё

ГУЗАР ҚУРИЛИШИГА КИРИШИЛДИ

«Маҳалланинг ҳаётимиздаги ўрни, ижтимоий аҳамияти ҳақида, унинг аввало соғлом муҳит ва тарбия маскани бўлиши кераклиги ҳақида кўп гапирамиз. Юртимизда маҳаллаларни обод қилиш, хусусан, ҳамма қулайликларга эга бўлган замонавий гузарлар барпо этиш яхши анъанага айланиб қолди. Афсуски, Қашқадарёда бу соҳада ҳам оқсоқлик бор. Вилоятдаги 361 та маҳалладан бор-йўғи 65 таси ўз гузарига эга. Бу ҳақда яна қанча гапириш мумкин ахир?

Президент И.Каримовнинг халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгаши сессиясида сўзлаган нутқидаги бу танқид ҳар бир маҳалла аҳлининг кўнглидаги гап эди.

Вилоят ҳокимлиги бу ҳақли танқиддан тегишли хулоса чиқариб, яқин икки-уч йил ичида барча маҳаллаларда замонавий маҳалла гузарлари қуришни режалаштирди. Ўнлаб маҳаллаларда гузар қурилиши учун жой ажратилиб, лойиҳа-муҳандислик ҳужжатлари тайёрланмоқда.

Қарши шаҳридаги Файзулла Хўжаев номли маҳаллада ана шундай гузар қурилишига киришилди. Гузар қурилиши бошланиши катта тантанага айланди. Маҳалла аҳлининг хурсандчиликларига, кенг жамоатчилик вакиллари, шаҳардаги барча маҳаллаларнинг оқсоқоллари ҳам шерик бўлдилар.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари Райимжон Раҳмонов гузар қурилишига дастлабки ғиштни қўйди. Шу маҳалла оқсоқоли М.Жалилов ва бошқалар сўзга чиқиб, ўз миннатдорчиликларини изҳор этдилар.

Маҳалла фуқаролар йиғини идораси, маънавият ва маърифат хонаси, тўй ҳамда бошқа маросимлар ўтказиладиган зал, тикув цехи, сартарошхона, пойабзал устахонаси, озиқ-овқатлар дўкони, қариялар чойхонаси, кичик корхоналарни ўз ичига олган гузар жуда қисқа муддатда янги асрнинг дастлабки ойларидаёқ қурилиб ишга туширилади.

- Шу йилнинг ўзидаёқ яна саккиз маҳаллада гузар қурилишлари бошлаб юборилади, - дейди шаҳар ҳокими Йўлдош Қораев. - Яқин йилларда 62 та маҳалланинг барчаси замонавий гузарларга эга бўлади.

Курбон ЭГАМБЕРДИЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Ўзбек ва қирғиз халқлари ўртасидаги азалий биродарлик, асрий дўстлик неча-неча синовлардан ўтган. Бугунги кунда ҳам мустақил тараққиёт йўлини танлаган икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар муттасил ривожланиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 26 сентябрь куни расмий ташриф билан Қирғизистон пойтахти Бишкекка жўнаб кетди.

БИШКЕКДАГИ УЧРАШУВЛАР

Бишкекдаги «Манас» аэропортида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни Қирғизистон Президенти Асқар Акаев кутиб олди. Шу ернинг ўзида давлатимиз раҳбарини расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Аэропортда Президентлар оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашди. Асқар Акаев ўзининг таклифини қабул қилиб, Бишкекка ташриф буюргани учун Ислом Каримовга миннатдорлик билдирди. У Ўзбекистон ва Қирғизистон халқларини фақат қардошлик ва биродарлик туйғуларигина эмас, балки тарихий, маданий муштараклик, илдизларнинг бирлиги ҳамда мустаҳкам қўшничилик алоқалари боғлаб туришини айтди. Асқар Акаев Ўзбекистон Президентининг Қирғизистонга ташрифи ҳамиша икки томонлама муносабатлар ривожига туртки бўлиб келганини таъкидлади ва бу галги сафар ҳам ўзаро алоқаларни янада юқори босқичга кўтаришига ишонч билдирди.

Ислом Каримов Бишкек сафари чоғида савдо-иқтисодий, маданий алоқалар билан бир қаторда минтақавий хавфсизлик масаласи ҳам кенг муҳокама этилиши кўзда тутилаётганини маълум қилди.

- Бугунги мураккаб воқелик, - деди Президентимиз, - хавфсизлик муаммоларига янада фаолроқ, янада жипсроқ ёндашишга, воқеалар қай тарзда ривожланишини олдиндан таҳлил қилиб, унинг оқибатини кўра билиш ва биргаликда зарур чора-тадбирлар кўришга ундамоқда.

Ўзбекистон раҳбари икки мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини тўла ишга солиш заруратини ҳам таъкидлади. Жумладан, сув ва энергетика заҳираларидан фойдаланиш, коммуникация тармоқларини ривожлантириш борасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш, савдо-сотиқ ҳажмини ошириш учун имкониятлар кўп эканини қайд этди.

Асқар Акаев сув ва энергетика соҳасидаги ҳамкорликка тўхталиб, Қирғизистон Ўзбекистон билан биргаликда «Қамбарота» гидроэлектр станциясини қуришга тайёрлигини маълум қилди.

Журналистларнинг Афғонистондаги вазият билан боғлиқ саволларига ҳам атрофлича жавоб қайтарилди. Ислом Каримов бу хусусда Тошкентда айтган гапларини такрорлади. Асқар Акаев Президентимизнинг фикрларини қўллаб-қувватлади.

Журналистлар билан учрашувдан кейин Президентларнинг яккама-якка суҳбати бўлиб ўтди. Унда икки томонлама муносабатларни ривожлантириш масалалари, Ўзбекистон ва Қирғизистонни ташвишга солаётган минтақавий муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

Кечқурун «Ола арча» қароргоҳида Қирғизистон Президенти номидан Ислом Каримов шарафига расмий қабул маросими уюштирилди.

Икки томонлама музокаралар эртага давом этади.

ЎзА.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚЎМИТАСИДА

КЕНГ ХАЛҚ ОММАСИ ИРОДАСИГА СУЯНИБ

Мустақил Ўзбекистонда ўзбекона демократия тобора чуқурлашиб, умумжаҳон демократиясини бойитиб, чинакам халқ манфаатига хизмат қилиш омиллари билан ривож топмоқда.

Олий Мажлиснинг сессиясида дунё тажрибасида биринчи марта бетакрор, янги «Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси биринчи ўқишда маъқулланди.

Олий Мажлиснинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси экспертлар гуруҳларининг навбатдаги мажлиси бўлди. Унда мазкур Қонун лойиҳаси эксперт гуруҳлари аъзолари томонидан атрофлича, чуқур муҳокама қилинди.

Сўзга чиққан нотиқлар ушбу Қонуннинг аҳамияти ҳақида тўхталиб, унинг мақсади жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалаларига дахлдор қонун лойиҳаларининг кенг халқ оммаси томонидан муҳокама қилинишини таъминлаш ҳамда у билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солишдан иборат эканлигини таъкидладилар. Муҳокама - ихтиёрийлик, тенглик, ошкоралик, ҳамма учун очиқлик, эркин фикр билдириш принципларига асосланишини, чинакам оммавий тус олишини алоҳида уқтириб ўтдилар. Айни вақтда; қўмита раиси Акмал Саидов урғу бериб айтганидек, қонун лойиҳасининг тўлақонли мукаммал бўлишида Ўзбекистон фуқароларининг эркин иштирок этишларини таъминлаш, уларнинг депутатлар, давлат ҳокимияти ва бошқарув ҳамда жамоат органларининг вакиллари билан ташкил этилган семинарларда, конференцияларда, учрашувларда, давлат ҳамда бир пиёла чой устидаги суҳбатларида, йиғилишларда савол-жавоб кечаларида ва бошқа тадбирларда, оммавий ахборот воситаларида, телевидение, радиода чиқишларда бемалол қатнашишларига эришиши муҳим аҳамиятга эгадир. Шунингдек, тушган таклифларни, мулоҳазаларни ошкор этиш, кўриб, ўрганиб чиқиш, умумлаштириб, таҳлил этиш, бу муҳим ишга экспертларни, мутахассис ва олимларни жалб этиш мақсадга мувофиқдир.

Қонун лойиҳаларининг кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйиш, назаридан ўтказиш, уларнинг иродаси билан муштараклигига эришиш - қонунларимизнинг ҳаётийлигини, халқчиллигини таъминлайди, улар узоқ вақт халққа, мамлакат равнақига, адолатига хизмат қилади.

Мажлисда экспертлар томонидан билдирилган таклиф ва мулоҳазалар албатта ўрганилиб, инобатга олиниши, навбатдаги Олий Мажлис сессиясигача яна янги мулоҳазалар билан чиқиш, ташкилий ишларда фаол қатнашиш зарурлиги уқтирилди.

Шунингдек, қўмита мажлисида янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Сирдарё ва Жиззах вилоятларида бажарилиши ҳақидаги қарор лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди.

Ўз мухбиримиз.

ШУ СОНИНИНГ

2-саҳифасида:

- Тадбиркорлик фаолияти ҳақида гап кетса, кўпчилик тадбиркорларнинг шахсий бойиши ҳақида ўйлайди. Аслида шундайми?
- Маҳалла, нодавлат, нотижорат ташкилотлар муаммосини ким яхши билади, ким яхши билдиради? Нукусдаги семинар бунга жавоб берди.
- Қалдирғочки, Ватанига сиғинар экан...
- Деновлик тадбиркорлар Палата «қаноти» остида.

3-саҳифасида:

- Иш жойимда шахсий машинамдан узлуксиз фойдаланаман. Корхонам менга ёқилғи ажрата оладими?
- Маҳаллани мадҳ этинг.
- - Келинг, дардлашайлик!

- Гап йўқ, нима ишни ҳал этиб берай?

4-саҳифасида:

- «Бизнинг бу дўстлигимиз қаергача бораркин?» сўрайди Шиа ва Сунний масҳабидагилар.
- Шогирди кўп инсон.
- Сойиб Хўжаев Ҳамлетни ўйнай олармиди?

Очерк

«ЭЛГА НАФИМ ТЕККАНИДАН ХУРСАНДМАН»

Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси Республика бошқаруви кўрик-танлови ғолиблари ҳақида ҳикоя қиламиз.

Собир ака жуда синчков, вазмин одам. Ўқимишли, ақлли, фозил кишиларнинг суҳбатига ишқибоз. Инсон ҳусни-одобига, камолига оид китобларни мутоала қилишни яхши кўради. Кўпроқ эшитиб, камроқ гапиришни ёқтиради. Ҳар бир инсоннинг феъли-атворига хос фазилатлар бесабаб унинг турмуш тарзига, ҳаёт мақомига айланиб қолмас экан-да. Собир аканинг ҳам саъй-ҳаракатларида, муомаласида, иш фаолиятида сезилиб турадиган ушбу ибратли фазилатларни пайқаб, у кишини ё устоз, ё олим одамга тенглайсиз. Аслида ўрта мактабни тугатгач, умри оддий ишчилик билан ўтган Собир ака отасининг йўлидан борди.

Армия сафида тобланиб қайтган йигит, то бир ишни бошини муқим ушлаб, тақдирини у билан боғлаб умргузаронлик этгунча турли корхоналарда оддий ишчи бўлиб хизмат қилади. Мустақиллик ҳар кимга ўз имкониятларини эркин-эмин юзага чиқариш йўлини очиб бергач 1993-94 йилларда»Зумрад» корхонасида коммерция ишлари бўйича директор ўринбосари вазифасида ишлайди. Бир йил давомида ўзи бемалол бир корхонани эплаб кетиши мумкинлигига кўзи етиб қолади. 1994 йилдан ҳозирга қадар отасининг хотирасини эъзозлаб «Комилобод» деб атаган ширкатини тащкил этиб уни бошқариб келмоқда. Тижорат, гулчилик ишларини йўлга қўйиб, тадбиркорлик билан топган маблағидан, яшаб турган Ҳамза туманидаги А.Назаров номидаги маҳалланинг ободончилигига, кам таъминланган оилага ёрдам учун беришга пул билан ҳиссасини қўшиб келади. Бу унинг маҳаллада обрўсини ошириб, анча танитиб қўйди.

(Давоми 2-бетда.)

Ўз ҳаётида учинчи асрни кўриш нияти билан яшаётган Андижон вилояти Жалолқудуқ тумани фуқароси, 110 ёшли Робияхон Ҳурлибоева юрт, халқ, болажонларга, «Mahalla» муштарийларига омонлик, узоқ умр тилайди.

ҚАРОР ВА ҲАЁТ ТАҚОЗОСИ

БОЛАНИ БОЛА ЭМАС, ДЕМАНГ, У ҲАР ДОИМ ТАРБИЯГА МУҲТОЖ

Яқинда эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида»ги қарорини икки нуқтаи назардан тушуниб етиш зарур деб ўйлайман.

Аввало вояга етмаганлар ўз номи билан кўриниб турибдики, улар ҳали ҳаёт синовларига тайёр эмас. Ҳаётнинг болалик даври ўз-ўзидан балоғат, катталик даврига нисбатан худди жисмонан ожизроқ бўлгани каби ақлан ҳам кучсизроқ бўлиши табиий. Ҳатто баъзан қайсидир бола қайси бир томондан ноёб истеъдоди билан катталардан ҳам ўзиб кетса-да, алоҳида, ноёб қобилият саналса-да, маданиятдан, билимдан, янгиликлардан жуда орқада қолган каттароқ одам ҳаёт воқелигига муносабатда барибир ўша истеъдодли ёшдан устун туради, ҳатто ўша одамнинг тарбиясига, қаровига, заруриятли бўлади. Агар ўша бола катталар қаровидан (кўпроқ тарбия маъносида) четда қолса, ҳар қандай эгри йўлга кириб қолиши мумкин. Бу ҳеч кимга сир бўлмаган ҳақиқат-ку, дейиш мумкин. Ҳа, шундай, лекин бу ҳақиқат ёддан кўтарилаётган бўлса-чи? Демак, эълон қилинган Қарор қиммати энг аввало инсон ҳаёт тарзи ва тарбиявий йўналиш ҳақиқатининг тўғри баҳоланиши маҳсулидир.

Бу ерда тўғри баҳоланган иккинчи нуқтаи назар эса, бугунги янгиланишлар даврида ҳаёт талаблари кучайиши оқибатида ота-оналар томонидан ва бу борада фаолият кўрсатиши лозим бўлган муассасалар томонидан вояга етмаганлар билан ишлашда сусткашлик рўй бераётганлиги, болаларда эса аксинча иқтисодий-салбий воқеликларга ўхшаш сабаблар оқибатида эгри йўлларга мойиллик ошганлиги, оқибатда эса кўплаб болалар ҳаёти ҳатто жиноятчилик билан боғланиб қолаётганлигидир. Демак ушбу қарор бугунги даврда ҳаёт тақозоси ҳамдир.

Аввало сир эмаски, баъзи ота-оналар бугун тирикчилик ташвишига муккасидан кетиб қолишди. Ҳозир баъзи ота-оналар учун тирикчилик учун «фаолият» вақтининг чеки йўқ, - эрта тонгдан кеч шомгача, шанба, якшанба эса энг қизғин иш куни. Фарзанд қаровсиз қолгани етмаганидек, вояга етмаганлар бу «фаолият»га жалб этилади. Баъзан ўз имконияти етмаган ота-она вояга етмаган болаларини пул топишга ундайди. Хуллас вояга етмаган болалар катталар орасида. Лекин катталар билан уларнинг тушунчаси бир хил эмас. Ҳар ҳолда болада дўконда кўзига хуш кўринган нарсани ўғирлаб бўлса-да ўзиники қилиб олиш хоҳишидан кучли келадиган уялиш, истиҳола, жавобгарлик, оқибатида жазо чорасини ҳис қилиш туйғуси йўқ, ёки кам. Бунинг устига пул топиш учун кўчага чиқаётган болаларнинг кўпини оилада яхши тарбия кўрган деб бўлмайди. Иккинчилан, уларга кўчада қандай ишлар буюрилиши ва қандай одамлар орасида меҳнат қилишини ўйлаб кўринг. Шунингдек, бу бола топган пулини онласига кўтариб келадиган «анойи»лардан ҳам эмас. Хўш, бу пул унга нима учун хизмат қилади? Бунинг устига пул топишнинг осонроқ йўли, - жиноятга бошлаётган «ака»лари, ҳатто «тоға»лари ҳам бор уларнинг. Бу «ака» ва «тоға»ларнинг энг соддаси ҳам жиноятга йўл кўрсатган ўша балокайга ўзини сотмаслигини, уни эса ёшлиги учун қамамаслигини яхшилаб уқтириб қўяди.

Шундай қилиб, бола жиноят қилди, уни ички ишларда сўроқ қилиб, ёки суд эшигидан қамоқ жазоси чораси қўллаш ёшида бўлмаганлиги учун қўйиб юборишади. Ички ишларнинг вояга етмаганлар билан ишлаш бўлими эса уни рўйхатга олиб қўяди, холос. Шубҳасиз, мактаб ҳам бундай боладан қутилиш учун бир баҳонани топади. Энг ачинарлиси, бу йўлга кирган, уста «ака» ва «тоға»ларнинг тарбиясини олган, қамоқ жазосидан қутилиб қолган бу болага ота-онанинг танбеҳи, ҳатто калтагининг кучи камлик қилади. «Устоз»лари уни ота-она таъсиридан чиқариб олиш учун боланинг ота-она қаровидан ярим соат холи қолиши кифоя. Камдан-кам ота-она боласининг бу таъсирга тушиб қолгани ҳақида ички ишларга арз қилади. (Балки фойдаси йўқ, деб ўйлар). Тўғрисини айтиш керак, бола тўлигича шу йўлга кириб, яъни мактаб ва оила йўрнигидан чиқиб кетгач ва ҳатто икки-уч марта жиноят содир қилганлиги маълум бўлгач, у билан ким ишлаши керак? Ахир бу боланинг тарбияси учун фақатгина махсус турдаги тарбия масканлари зарур эмасми? Бундай тарбия масканлари бизда тўғриси ниҳоятда оз. Хўш, бундай тарбия масканлари кўпайса нима бўлади? Албатта бўлгуси жиноятчилар сони кескин камаяди. Ахир у катта бўлиб қамоқ жазосини тортганидан кўра ёшлигидан қийналиб бўлса-да, тарбия олгани минг марта афзал эмасми? Яқиндагина эълон қилинган қарор эса худди шу каби бўшлиқларни тўлдиришда хизмат қилиши шубҳасиз.

Чори ЛАТИПОВ.

АЗИЗ МУШТАРИЙ!

«MAHALLA» газетасига янги асрнинг биринчи йили учун обуна бошланди. «Mahalla» муштарийлари яхши билади: обуначи доим ютиб чиққан. Обунанинг таҳририят томонидан ўрнатилган бир йиллик баҳоси учун: 3640 сўм + тарқатув муассасалари харажатлари.

MAHALLA
Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00123-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Буюк Турон кўчаси,41-уй

Телефонлар: Хатлар бўлими: 136-53-75, масъул котиб: 136-53-75 ижодий бўлимлар — 136-53-82,

Қабулхона — 136-53-93, Тел/Факс: — 133-44-25.

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

E-mail:mahalla@gazeta.silk.org

«ЭЛГА НАФИМ ТЕККАНИДАН ХУРСАНДМАН»

(Давоми. Боши 1-бетда.)

1998 йили маҳалла фуқаролар йиғини раислигига муқобиллик асосида Собир Комиловнинг ҳам номзоди қўйилар экан, маҳалла аҳли ҳозирги давр, бозор иқтисодига ўтиш жараёнлари талаб этаётган вазифаларни муваффақиятли эплаб келаётган, қўли очиқ, юртпарвар, меҳнаткаш тадбиркор сифатида уни сайлади.

Собир аканинг янги жамоатчилик ишига бўлган муносабатини, муҳаббатини сўраймиз.

- Мустақиллик ёруғ дунё саодатига ҳам, боқий дунё саодатига ҳам эришмоқликнинг эркин, ойдин йўлини очиб бердими, мулкчиликнинг барча шаклларига тенг шарт-шароит ва имкониятлар яратиб бердими, берди. Давлатимиз Президентимизнинг узоқни кўзлаб илгари сурган оқилона тамойиллари билан бу икки дунё саодатига мушарраф этгувчи, ҳидоят йўлига бошловчи имкониятларни берибгина қолмай, то ҳануз тадбиркорликни, ўрта ва кичик бизнесни ривожлантиришга алоҳида аҳамият бериб, ҳа бўл, деб турибдими, турибди. Уни авж олдириш учун, кўмаклашиб жамғармалар, ширкатлар ва кичик корхоналарни қўллаб-қувватлаш учун тижорат ва бошқа банкларни тузиб қўйибди. Тағин бу банклар ишбилармонликни, мулкдорларни қийнаб қўймасин, деб давлатимиз уларга кенг кўламда молиявий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Хуллас, қўлингдан келса, оғизда эмас, амалда ташаббускорлик кўрсатиш вақти келди. Демоқчиманки, ҳамма ишни давлатимиз, Президентимиз бошлаб берди. Ҳамон, бошимизда соёбон бўлиб турибди. Шундай шароитда, бундай ўйлаб кўрсам, тадбиркорликни ривожлантиришда маҳалланинг ўрни катта. Энг муҳими, маҳалла аҳли мени қўллаб-қувватлаб турибди. Раисликни қабул этдим.

- Халқ, кўпчилик маҳалла оқсоқолининг сиз танлаган йўлига хайрихоҳ. Шунга қарамай, маҳалланинг айланма жамғармасини бунёдга келтиришни ўйлаб, айтайлик тадбиркорлик билан шуғулланаётган маҳалла раислари кам. Бунинг сабаби нимада, деб ўйлайсиз?

Маҳалла оқсоқоли Собир Комилов (ўртада) фаоллар билан

- Гапнинг очиғи, бу авваламбор осон иш эмас. Анча мураккаб иш. Кўп нарсага боғлиқ. Мен, ўзимнинг бошимдан ўтганини айтай.

Тадбиркорлик фаолияти, ширкат хўжалиги ҳақида гап кетса, кўпчиликнинг назарида, фақат у ёки бу фуқаронинг шахсан бойиш, мулкдор бўлиш мақсадида қилаётган ҳаракатидай туюлади. Бу бир жиҳатдан тўғри ҳам. Лекин, маҳалла фуқаролар йиғини раиси, тадбиркорликни, биринчи навбатда маҳалланинг манфаатини кўзлаб йўлга қўйиши керак.

Собир Комилов ўзининг бу фикрини амалда қилиб кўрсатган бағри кенг оқсоқоллардан. У раис этиб сайлангунча маҳалла тадбиркорлик билан шуғулланмаган. Собир Комилов маҳаллани бошқаришга киришар экан, ишни нимадан бошлаш устида кўп бош қотиради. Маҳалланинг моддий базасини яратишдан биринчи одимни ташламоқчи бўлади. Бунинг учун ўзи раҳбарлик қилиб келаётган «Комилобод» ширкат хўжалигини маҳалла тасарруфига ўтказишни ихтиёр этади. Буни эшитган кўпчилик дўстлари, яқин кишилари қарши чиқадилар. Ким миллионлаб сўмларни сарфлаб қурган иморатларини, оқиб келиб турган даромадини, ҳеч қандай бир тийин олмай, текинга беради. Сен ота бўла туриб, нега бола-чақангни рисқини кесасан, эртасини ўйламайсан... дегувчилар бўлди.

Собир ака Комилов қарорида қатъий туриб, «Комилобод»ни маҳалла тасарруфига ўтказиб, А.Назаров маҳалласида тадбиркорликка йўл очиб беради.

«Комилобод» ширкат хўжалиги маҳсулотларини етказиш билан шуғулланиб, маҳаллага катта маблағ бера бошлайди. Тадбиркор раис ширкатнинг ёнига тикув цехини, сартарошхона, нонвойхона, автомобилларга ёқилғи қуйиш шахобчасини, дорихона, савдо шахобчаси каби ўн иккита ишлаб чиқариш ҳам хизмат кўрсатиш корхоналарини қўшади.

Халқ банкида маҳалланинг жамғарма ҳисоб рақами очилади. Унда барча тушумлар, шу жумладан маҳалла ҳудудида жойлашган корхоналардан, тадбиркорликдан, хайр-эҳсондан тушган маблағлар сақланади.

Ушбу маблағлар, биринчи навбатда давлат бюджетидан ижтимоий ҳимоя учун ажратиладиган пул ва озиқ-овқат ва бошқа ёрдамларга қўшимча тариқасида кам таъминланган, кўп болали оилаларга, ногиронларга сарфланади. Бундан ташқари ҳайит, «Наврўз» байрамлари, меҳр-мурувват кунлари муҳтож кишиларга моддий ёрдам кўрсатилади. Шу мақсадда жорий йилнинг ўтган ойларида 125 минг сўм тарқатилди. Ўзбек миллий анъаналарига кўра маҳалла ҳисобидан ҳар йили 65 ва ундан ортиқ ёшларнинг «Мучал» тўйи ўтказилади. Икки мингинчи йилнинг ўзида учта эгизакларнинг суннат тўйи ўтказилди.

Собир Комиловнинг шахсан кўрсатган ташаббуси ва даъвати билан маҳалладаги ҳар бир хонадонга йўлбошчимиз Ислом Каримовнинг «Ҳар ким савоб иш қилсин, ҳар кун савоб иш қилсин!» деган шиори кириб борган, амалий кучга кирган. Ҳар куни субҳидамдан эшик тагига сув сепиб, супириш, ариқларни тозалаб, гул-кўчатлар кўкартириш, ободонлаштириш одатга айланган.

Маҳаллада спортнинг миллий кураш, дзюдо, каратэ, футбол каби турлари машғулотлари уюштирилган. 1999 йилда маҳалла футбол командаси мусобақаларда Тошкент шаҳрида биринчи, Республикада иккинчи фахрли ўринни эгаллаб, Ўзбекистон «Камолот» кубоги соҳиби бўлди. Маҳалла маблағи ҳисобидан машқ қилинадиган спорт майдончаси жиҳозланиб, ёшлар спорт либослари, рағбатлантириш мукофотлари билан сийланади.

Оқсоқолнинг ташаббуси билан, маҳалла идораси таъмирланиб, янги бинолар қурилди. Хотин-қизлар кенгаши, маънавият ва маърифат, ёшлар учун алоҳида-алоҳида, махсус жиҳозланган хоналар барпо этилди.

Маҳаллада Собир Комиловнинг ташаббуси ва бевосита тадбиркорлик меҳнати билан амалга оширилган қурилиш, ободонлаштириш ишларини, тарбиявий ишларини санаб адо қилиб бўлмайди. Унинг келажакдаги режалари янада катта. У бошлиқ маҳалланинг уюшган, аҳил аҳолиси 2000-2001 йилларда яна ўнлаб қурилиш, хизмат кўрсатиш корхоналарини очиш, янги хиёбонлар ташкил этиш ишларини амалга ошириш ниятида. Улардан бири, тадбиркорликдан, ҳимматли замондошларимиздан тушган маблағ ҳисобига А.Назаров номидаги маҳалланинг намунавий режа асосида «XXI аср гузари»ни бунёд этишдир.

«XXI аср маҳалласи», «XXI аср гузари» деяпмиз, XXI аср маҳалла оқсоқоли-чи, у қандай бўлиши, ҳозирги давр маҳалла, овул, қишлоқ фуқаролар йиғинларининг раислари, раҳбарлари қандай бўлиши керак? Келинг, дўппини олиб қўйиб ҳар томонлама ўйлаб кўрайлик. Берган Худога ёқиб-лаяпманки, кўпроқ мойиллик иккита муҳим омил баробар кўриб, бирини-бири тўлдирадиган қилиб қўшиб олиб бораётган маҳалла раиси бу номга, яъни раис деган ҳақиқий номга муносибдир.

Маҳалла дарвозаси доим очиқ

Муҳаммад РАСУЛ.

НУКУСДА СЕМИНАР

ДАВЛАТ ВАКОЛАТЛАРИ - ХАЛҚ ЗИММАСИДА

Биз бу мавзуни қандай ёритаяпмиз

Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази томонидан ташкиллаштирилган ҳамда Каунтерпарт Консорциум ташкилоти гранти асосида Қорақалпоғистон давлат университетида ўтказилган семинар мавзуси шундай бўлди.

«Ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат-нотижорат ташкилотлари - фуқаролик жамиятини қуриш асоси. Улар муаммосининг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши» деб номланган семинарда Қорақалпоғистон Республикасида фаолият кўрсатаётган бир қатор нодавлат-нотижорат ташкилотлар вакиллари, ўнга яқин маҳалла (макон) ва овул фуқаролар йиғини оқсоқоллари ҳамда маҳаллий телерадиокомпанияси, ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

- Мустақиллигимизнинг илк йилларида ислоҳотларнинг бутун мазмун-моҳияти давлатни кучайтиришга қаратилган бўлса, энди бу вазифа етарли даражада уддалаб бўлинди, - дейди Президент ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ижтимоий-сиёсий фанлар кафедраси мудири, сиёсатшунос олим Муқимжон Қирғизбоев. - Истиқлолнинг навбатдаги босқичида давлат ўз ваколатларини фуқаролик жамияти институтларига тақсимлай бошлаяпти. Бунда халқнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги кўп нарсани белгилайди.

Албатта, ваколатлар топширилади. Лекин улар қайси нодавлат-нотижорат жамоат ташкилотлари томонидан ўзлаштирилмоқда, уларнинг самараси қандай, деган савол ҳам туғилади.

- Республикамизда иш юритаётган ўнлаб нодавлат-нотижорат ташкилотлари орасида бизнинг ассоциация фаолиятининг ҳам ўз мавқеи бор, - дейди Қорақалпоғистон Республикаси «Тадбиркор аёл» уюшмасининг раиси Арухан Саекеева. - Ташкил этилганидан буён уч йиллик фаолияти давомида уюшмамиз ўз атрофига мингдан ортиқ ишбилармон аёлларни бирлаштира олди. Айни вақтда 700 дан ортиқ ишбилармонлик лойиҳаларини кичик кредитлашга тайёрлаб қўйганмиз.

Хусусан, ННТ фаолиятининг ижтимоий-иқтисодий самаралари ҳақида маъруза қилган Тошкент вилояти «Тадбиркор аёл» уюшмасининг раиси Гулнора Маҳмудова нодавлат-нотижорат ташкилотларини биринчи галдаги вазифаси нима деган савол атрофида кўпроқ тўхталиб ўтди.

Семинар қатнашчиларини, шунингдек, маҳалла, умуман, ўзини ўзи бошқариш органларининг бугунги ишлари, улар муаммосининг оммавий ахборот воситаларида ёритилиш масаласи мавзусидаги маъруза ҳам кўпроқ қизиқтирди.

- Тўғрисини айтиб, тан олиш керак, маҳалла ва умуман ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини чуқур, таҳлилий ёритиш ҳозирча республика матбуотида оқсаб турибди, - деди маърузачи «Mahalla» газетаси бош муҳаррири Чори Латипов. - Бу мавзу одатда анча юзаки, сиртдан ёритилиши сабабли, жойлардаги муаммолар ўз ечимини топиши ҳам қийин кечаётир.

Шу ўринда Қорақалпоғистон Республикаси «Маҳалла» жамғармасининг ўзида ҳам муҳим ишлар ёҳуд муаммолар йиғилиб қолган шекилли, деган фикр беихтиёр хаёлимизга келди. Чунончи, Республика «Маҳалла» жамғармаси Қорақалпоғистон бўлими раҳбарларининг бу тадбирга беэътиборроқ қараганлигининг ўзи ҳам кишини ажаблантирди. Шунга қарамай семинар жуда жонли ва қизғин руҳда ўтди. Университетнинг журналистика бўлими талабаларининг нодавлат-нотижорат ташкилотлар, маҳалла (макон) овул оқсоқолларига йиғилиб қолган бир талай саволлари бор экан, шу ернинг ўзида улар ўзларини қизиқтирган масалалар юзасидан тўлақонли жавоб олишди. «Эркин Қорақалпоғистон», «Вести Каракалпакстана», «Қорақалпоғистон жослари», «Аму тонги», «Устаз» газеталари мухбирлари семинар доирасидаги мавзу ларнинг кейинги галда ёзилажак мақолаларининг бош мавзусига айланиб боришлигига иқрор бўлдилар. Зеро, айнан шу жамоат ташкилотларининг фаоллиги кучли давлатдан кучли жамият сари интилишимизга карвонбошилик қилса, ажаб эмас.

Нодир АЛИМОВ,
«Mahalla» мухбири.

Самарканд

ҲЕЧ КИМГА БЕРМАЙМИЗ СЕНИ, ЎЗБЕКИСТОН!

Она юпанчи

«ЯРАТГАННИНГ ЎЗИ БЕРСИН ЖАЗОСИН»

Барча замонларда ҳам обод, гуллаб-яшнаган маконнинг кушандалари учраб турган. Мустақиллигимиз шарофати билан гуллаб яшнаётган диёримизни кўролмаётган ватангадолар ҳар қанча чиранмасин бефойда.

Лекин, афсуслар бўлсинким оддий кераксиз тош ёқутни синдиргани каби мамлакатимизнинг жанубий сарҳадларини ёвуз ниятли кимсалардан тозалаш жараёнида ватанимизнинг бир неча шер ўғлонлари нобуд бўлди. Шулар қаторида Каттақўрғон шаҳар Дўстлик маҳалласида туғилиб улғайган кичик сержант Улуғбек Барноев ҳам бор. Улуғбекнинг онаизори бир дунё орзуларини армонга айлантирган кимсаларни бир умр қарғаб ўтади.

Ўғлим Улуғбекжоннинг бутун қалби, вужуди сахийликка тўла эди. Ёшлигидан мактабдош ўртоқлари, маҳалладошлар қолаверса, Ватан учун жонини тикмоққа шай эди. Ана шундай сахий болажоним ёвузлик қурбони бўлди.

Улуғбек ўғлим ўрта мактабни тугатгач, шаҳардаги касб-ҳунар лицейида таълим олди. Таълим олиш жараёнида дадасининг раҳнамолигида спортнинг каратэ тури билан мунтазам шуғулланиб борди. Лицейни тугатгач, ўз ташаббуси билан ҳарбий комиссариятга бориб ҳарбий ҳаво кучларида хизмат қилиш иштиёқи билан хизматга жўнаб кетди. Хизмат жараёнида аскарлар орасида ўрнак кўрсатганлиги учун қисм командирларидан бир неча бор ташаккур хатлар келганди. Ойнаи жаҳон орқали намойиш этиладиган «Марду майдон» кўрсатувида чиқиб гапирганида, оила аъзоларимиз, қариндошларимизга хотиржамлик тилаганида қувончимиз ер-кўккa сиғмаганди ўшанда. Бутун маҳалламиз, Улуғбекжонни кўрган-билган ёшлар уни қаттиқ ҳурмат қилар ва ҳаракатларида, юриш-туришларида Улуғбекка хос ҳаракат қилишарди. Хизматини ўтаб қайтганида маҳаллада қандай хурсандчилик бўлган эдия эссиз. Улуғбекжондаги қатъият уни яна ҳарбийликка, Ватан осойишталигини, тинчлигини таъминлашга даъват этди. Ўз иштиёқи билан ҳарбийда хизмат қилиш учун Ватанимизнинг жанубий чегаралари бўлмиш Сурхондарёга жўнаб кетди.

Бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Шу кунларда ана шу воқеани эслаб қайта-қайта эзилаяпман. «Марду-майдон» кўрсатувларининг бирида ҳарбийлар ўз машқларини намойиш этишди. Ўшанда Улуғбек ҳам бутилка, гиштни боши билан уриб синдирганди. Буни кўриб турган маҳалла болалари ҳанузгача ўша машқни такрорлашади. Бундай қилманглар, ҳали ёшсизлар десак, майли, биз ҳозирдан Улуғбек акамдек жасур бўлиш учун машқ қилаяпмиз. Ҳалемай биз ҳам Ватанимизни қўриқлашимиз керак дейишганди. Ўша пайтда ғурурланиш билан кифояланиб қўйган бўлсам бугун ўша воқеа, айтилган сўзлар мен учун жуда қимматли бўлиб қолди.

Шундай шер юрак мард болажонимдан айрилиб юрагим қон бўлиб кетган чоғларда яна ўзимга ўзим савол бераман. Ўғлинг нима учун нобуд бўлди? Ватан учун, Халқ учун. Ўзингу маҳалладош, қариндошларинг учун, дейман яна ўзимга ўзим. Ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган болажонимнинг не-не орзулари бор эди. Охирги гал таътилга келганида уйлаб қўйиш борасида гап очганимизда, хўп аяжон, август пишиқчилик ойи, тўйни ўшанда қиласиз, деганди.

Мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар, ободончилик, ёшларимиз учун дунё эшиклари очилаётганлигини кўролмасдан гоҳ у, гоҳ бу бурчакдан писмакилик билан соя кўрсатаётган ёвуз кимсаларга ҳар қандай қарғиш, энг ёмон сўзлар ҳам камлик қилади. Уларни яратганнинг ўзи жазоласин, илоё. Мен шердек ўғлимдан ажралиб бир куйиб ёнсам, бир ғурурланиб кетаман. Чунки Ватани, халқи учун жон фидо қилмоқлик буюк шараф. Ана шундай шарафга эришиш йўлида қурбон бўлган ўғлимни Оллоҳ ўзи раҳмат қилсин.

Халқимизга, юртимизга бош бўлиб юрган Президентимиз доимо омон бўлсин. Яратганнинг ўзи ёмон кўздан асрасин илоё.

Сўзларни оққа кўчирувчи Ш.ҚАРШИЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Омон бошга дўппи кўп

СПОРТ

ГУЛИСТОНДА «ФЬЮЧЕРС» ТУРНИРИ

Гулистон шаҳридаги «Алпомиш» спорт мажмуида «Фьючерс» эркаклар теннис турнири очилди. Мазкур мусобақалардаиштирок этиш учун Мирзачўл пойтахтига жаҳоннинг 11 мамлакатидан 46 нафар спортчи ташриф буюрди. Улар орасида ўтган йилги «Фьючерс» турнири ғолиби белорусиялик Александр Швец, ҳамюртимиз Дмитрий Томашевич, Ўзбекистон Президенти Кубоги турнири иштирокчилари қозоғистонлик Алексей Кедрюк, россиялик Александр Сиканов ва Алексей Гаврилов бор.

Т.АҲМАДАЛИЕВ,
ЎзА мухбири.

ИСРОИЛЛИК ОЛИМЛАР ЖИЗЗАХДА

Республика Тез тиббий ёрдам илмий марказининг Жиззах филиали мамлакатимиз мустақиллигининг 9 йиллик байрами арафасида ишга туширилган эди. 220 ўринли бу шифо масканида бугунги кунда 120 нафарга яқин малакали врач ҳамда 370 дан зиёд ҳамшира хизмат қилмоқда.

Яқинда бу ерга исроиллик доктор Пинхас Халкерн бошчилигидаги делегация аъзолари ташриф буюрди. Исроиллик мутахассислар марказнинг жарроҳлик, реанимация ва диагностика бўлимларига ўрнатилган замонавий тиббиёт асбобускуналарига юксак баҳо бердилар.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш Вазирлиги билан келишувга мувофиқ исроиллик олимлар мамлакатимизга ташрифи мобайнида тез тиббий ёрдам илмий марказлари врачларининг тўрт кунлик ўқувини ҳам ташкил этди.

Йўлчи Жўра,
ЎзА мухбири.

Сурхондарё

ТАДБИРКОРГА КИМ МАДАДКОР?

Истиқлол имкониятлари туфайли мамлакатда мулкдорликнинг кўп тармоқли усули вужудга келди. Шуларнинг бири тадбиркорликдир. Уларни ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга асос яратилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг бу борадаги фармонлари, уларнинг ижросини таъминлаш механизми сифатида Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган қарорлар фикримизнинг ёрқин далили бўла олди.

Бу борада Денов тумани товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасида тадбиркорликда кичик ва ўрта бизнесни юксалтириш дастури пухта ишлаб чиқилди. Товар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, истеъмол бозорининг тўкинлигини таъминлаш, ишбилармон, тадбиркорларни ижтимоий-иқтисодий, қўллаб-қувватлаш, янги-янги корхоналар қуриш ҳисобидан иш ўринлари очиш дастурнинг асосий моҳиятини ташкил этди. Туманда якка тартибда фаолият юритадиган жисмоний шахслар жуда бисёр. Ҳозир тадбиркорлар сони 3000 кишига етди. Тадбиркорликка йўналтирилган юридик ташкилотлардан 482 таси ҳам палата аъзолигига қабул қилинди. Бу ўзининг самарали натижасини берди. Палата иқтисодий тараққиёт йўлига кирди. Ўтган саккиз ойлик сарҳисоб қилинди. Унинг жорий рақамига тушган пул қарийб бир ярим миллион сўмни ташкил этди.

Палата товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорларнинг чинакам суянчиғига, мададкор ташкилотига айланиб бормоқда. Бевосита унинг кўмагида шу йилнинг ўтган даврида 52 та янги очилган юридик шахслар фаолияти йўлга қўйилди. 233 киши ишга жалб этилди. Эндиликда иш ўринларининг сони 780 тадан ошди. Деновда кичик ва ўрта тадбиркорлик билан шуғулланиш мақсадида палатага мурожаат қилаётган ва у билан шартномалар тузиш ниятини билдираётганлар сони кун сайин ортиб бормоқда. Вилоят «Истиқлолаудит» аудиторлик маслаҳат марказининг Денов бўлинмаси иш бошлаганига икки йилдан ошди. Ҳисоб-китобни тўғри юритиш, ҳисоботларни бенуқсон тузиш, фаолиятларини таҳлил қилишда аудиторлик маслаҳат маркази жамоаси тадбиркорларнинг ишончли ҳамкорига айланган. Улар айни пайтда тумандаги 150 дан ортиқ хусусий корхоналар билан шартномалар тузиб, хўжалик, молиявий фаолиятини текшириш, таҳлил қилиш, камчиликларга барҳам бериш ишларини олиб бормоқдалар.

Палата ҳузурида очилган «Ахборот-Консалтинг» маркази фаолияти ҳам диққатга сазовор. Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, қишлоқ хўжалик корхоналарини ислоҳ қилиш борасида амалий ёрдам кўрсатмоқда. Ғалаба, Ш.Қобилов номли, Охунбобоев номли жамоа хўжаликлари ширкат хўжалигига айлантирилди. Туманда ўрта ва кичик тадбиркорлик ҳамда фермер хўжаликлари фаолиятини ривожлантиришга мададкор бўлиш палата раҳбарларининг галдаги вазифасига айланган.

Тадбиркорлар палатаси кредит учун маблағ ажратиш мақсадида 12 миллион 300 минг сўмлик лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаб банкларга топширган эди. Қисқа муддат ичида унинг катта қисми истеъмол бозорини моддий неъмат билан тўлдириш мақсадида фидокорона меҳнат қилаётган тадбиркорларга берилди.

Ҳа, Деновда тадбиркорликка кенг йўл очилган. Эл-юрт манфаатини кўзлаган ишбилармонлар қонун асосида ҳимояланган, ҳуқуқларидан эркин фойдаланмоқдалар, ҳозирлаб берилган барча қулайликларни, маҳсулот етиштиришни кўпайтиришга қаратганлар.

Туманнинг Зулқайнар Ҳамроев бошлиқ товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси жамоаси эса улар хизматига камарбаста, ҳозиру нозир.

Омон ШУКУРОВ,
«Mahalla» мухбири.

Навоий вилояти

ҚАЛДИРҒОЧ ТУМШУҒИДАГИ ТОШ

Қарияларнинг айтишига қараганда, қалдирғочлар ҳар йил баҳорда муқаддас Маккадан тумшуғида бир тош билан қайтишар экан. Бунинг ўзига хос рамзий маъноси бор. Табиат ўзгаришларига дош бера олмайдиган бу беозор қуш қаерда қўним топса, ўша жойнинг ҳаққи ҳурмати учун яна ўша жойда қўним топиш мақсадида вазни билан тенг келувчи тошни олисдан тумшуғида олиб келса ажаб эмас...

Худди мана шу унутмаслик, сиғиниш, қадрлаш ҳисси ҳар бир инсон юрагида қарор топганда эди, орамизда ватанфурушлар, арзимас чойчақага ўз эътиқодини сотиб, турли оқимларга қўшилиб кетаётганлар бўлмасди. Баъзи инсонлар қушдан-да ожизроқ бўлади, онгсиз жонзотдан-да бечораҳолроқ бўлади. Ҳар қандай ифвою рўёларга, ўз юрту диёрлари ҳақидаги ёлғонларга ишониб, юрт хоинлари томонига оғиб кетиш уларга азоб бермайди.

Маълумки, маҳалла ҳар бир киши учун ўзига хос ойнадир. Кимнинг нима билан шуғулланиши, қайси хонадонга қандай одамлар кириб-чиқишини маҳалла аҳли яхши билади. Ана шунинг учун огоҳликка даъват маъносида мен бутун жамоатчиликни, маҳалла аҳлларини зийрак бўлишликка чақирмоқчи эдим.

Маҳаллаларда хонадонга одамларни ижарага қўйишда айниқса эҳтиёт бўлайлик. Уларнинг шахсини аниқлаш, паспортини текширишда истиҳола қилмайлик. Кўчаларимизда пайдо бўлиб қолган нотаниш-шубҳали кимсаларнинг асли мақсадини билишликка ҳаракат қилайлик. Ахир ўз уйимиз осойишталигини ўзимиз сақламасак, ким сақлайди. Кўчамизга ёвуз ниятда кирган шахсни ўзимиз аниқламасак, ким бизга бу юмушни бажариб беради. Ана шунинг учун барчамизнинг ҳамкорликдаги фаолиятимиз ўз манфаатимизга хизмат қилишини унутмайлик.

Сафоқул ЖЎРАЕВ,
«Маҳалла» жамғармаси Қизилтепа тумани бўлинмаси раиси.

Асатулла АЛАМОВ, махала оксоколи

МЕН РОЗИМАН

Душман ўқи, бу жуссамга теккан замон ўлганим йўқ,
Ватаним, деб, азоб билан жон беришдан қўрққаним йўқ.
Ёш эканман соғ танимдан ушбу жоним увол кетди,
Онажоним, гурур билан видолашгин, вақти етди.
Ўғлон қилиб яраттандан, мен розиман,
Ватан учун жанг майдонга кирганимдан, мен розиман,
Волидамни мард ўғлон бўл деганидан, мен розиман,
Меҳрибоним юзингизни қайта кўрмоқ насиб этмас,
Сиз ҳам мендан рози бўлинг.
Сафар олди отажоним айтган сўзин адо этдим,
Душманларнинг ниятларин англаб етдим,
Бузрукворим бегуборлиқ меҳрингиздан, мен розиман,
Энди қайтмас сафардаман, Сиз ҳам мендан рози бўлинг.
Ота-онам, ватанимни ишончга содиқ қолиб,
Ватан соттан газанданинг нечтасини ер тишлатиб,
Йигит ёшда кўз юмишдан, мен розиман,
Эй, Юртбошим, ватандошим душманларга отилмаган
Яна битта ўқиб қолди, Сиз ҳам мендан рози бўлинг.

Тошкент вилояти
Янгийўл тумани.

СЎРАНГ, БИЛИБ ОЛИНГ

Саволларга Тошкент Давлат юридик институти хўжалик ва меҳнат ҳуқуқи кафедраси катта ўқитувчиси Хуршида БУРХОНХЎЖАЕВА жавоб беради:

- Мен иш жойимга шахсий машинамда қатнайман. Кўп ҳолларда ишхонамнинг хизматларини ҳам шахсий машинамда бажараман. Шу ўринда шахсий мулкдан фойдаланилганлиги учун мен ишхона ҳисобидан ёқилғи ёки қўшимча ҳақ олишим мумкинми?

О.Рафиқов. Сирдарё вилояти.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 173-моддасига мувофиқ иш берувчининг розилиги билан ва унинг манфаатлари йўлида ходим ўзига тегишли мол-мулкдан фойдаланганда транспорт воситаларининг амортизацияси ва улардан фойдаланганлик учун қилинган харажатлар, шунингдек асбобларнинг техник воситаларининг ёки ўзга мол-мулкнинг амортизацияси иш берувчи ҳисобидан тўланиши мумкин. Ана шу харажатларни тўлаш миқдори ва тартиби жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан белгилаб қўйилади.

- Мен йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидасини бузиб, йўловчига жиддий тан жароҳати етказганлигим учун жиноий жавобгарликка тортилиб, озодликдан маҳрум этилгандим. Асли касбим иқтисодчи. Ҳозирда жазо муддатини ўтаб бўлганимдан сўнг, ўз касбимда фаолиятимни давом эттиришимга жиноий жавобгарликка тортилганлигимнинг аҳамияти борми? Умуман, қайси касб эгаларига жиноий жавобгарликка тортилганлиги боис қандай ва қанча муддатга чекланишлар қўлланилади?

Т.Аҳмедов. Самарқанд вилояти.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидасини бузганлик учун жавобгарликка тортилган шахс, фақат транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин. Сиз иқтисодчи сифатида ўз фаолиятингизни давом эттиришингиз учун жиноий жавобгарликка тортилганлигингизнинг аҳамияти йўқ.

- Хусусий корхонамнинг манзилгоҳи ўзим яшайдиган хонадонда жойлашган. Коммунал тўловларни корхонам ҳисобидан тўлашга ҳаққим борми? У ҳолда яшаш жойим хусусий корхонам ҳисобидаги мулкка айланиб қолмайдими?

Э.Низомова. Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани.

«Давлат уй-жой сиёсатининг асослари тўғрисида»ги ЎзР қонунининг 8-моддасига мувофиқ уй-жойлардан фақат унинг вазифасига мувофиқ фойдаланмоғи лозим.

Мулк эгасининг ўзига қарашли бўлган турар-жой биносида корхонани жойлаштирилишига бундай бино қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда яшашга мўлжалланган жойга айлантирилганидан кейингина йўл қўйилади. Агар шу тартибга риоя қилинган бўлса, мулк эгаси билан хусусий корхона ўртасида шартнома тузилиб, (лекин шартномага тарафлар сифатида бир вақтнинг ўзида битта шахс бўлиши мумкин эмас), ушбу шартнома шартларидан бири сифатида коммунал хизматлар учун тўловлар тўлаш ҳам кўзда тутилиши лозим. Бунда коммунал хизматлар учун тўловлар жисмоний шахслар учун белгиланган тариф ва нархлардан фарқ қилиб, юридик шахслар учун белгиланган миқдорда тўланиши талаб қилиниши мумкин. Юқоридаги қоидаларга риоя этилган тақдирда яшаш жойингиз хусусий корхона ҳисобидан мулкка айланиб қолмайди.

- Штатлар қисқариши туфайли ишдан бўшатилганимга ярим йил бўлди. Энди билсам, бундай ҳолларда ишдан бўшатилаётган ходим огоҳлантирилиши ва унга товон пули тўланиши керак экан. Ҳозирда бошқа ишга жойлашган бўлсам-да, олдинги иш жойимдан товон пулини талаб қилишим мумкинми? Мумкин бўлса, бундай ҳолда собиқ иш жойимнинг ҳозирги иқтисодий аҳволи аҳамиятга эгами?

Ф.Камолова. Тошкент шаҳри.

Ҳақиқатдан ҳам МКнинг 100-моддаси, 1-бандига мувофиқ ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда, иш берувчи ходимни камида икки ой олдин огоҳлантириб, унга ишдан бўшатиш нафақаси тўлаши лозим. ФКнинг 149-моддасига мувофиқ судда даъво кўзғаш орқали олдинги иш жойингиздан ишдан бўшатиш нафақасини талаб қилиш ҳуқуқига корхонанинг иқтисодий аҳволидан қатъий назар эгасиз.

- Шу йилнинг апрель ойида туғриқ таътилига чиққандим. Энди эса мен билан тўғри ҳисоб-китоб қилганликларига шубҳам бор. Бу ҳолда қанча муддат давомида мен иш жойимга қайта ҳисоб-китоб қилишларини сўраб мурожаат этишим мумкин?

Н.Шокирова. Тошкент шаҳри, Акмал Икромов тумани.

Агар шу йилнинг апрель ойида ҳомиладорлик таътилига чиққан бўлсангиз, 3 йил муддат давомида иш жойингизга қайта ҳисоб-китоб қилишларини сўраб мурожаат этишингиз мумкин.

АКС-САДО

БУНДАН-ДА КАТТА ДАВЛАТ ЙЎҚ

«Mahalla» газетасининг шу йил 13 сентябрь сонидаги «Пул гадоси-обрў адоси» мақоласини ҳузур билан ўқидим. Чиндан ҳам инсонни сергакликка, эҳтиётликка дўстона чорловчи, фойдали даъват. Истиқлол берган эркинликлардан қувват олиб, бадавлат бўлиб бораётган замондошларимиз эътиборини эзгуликка чорловчи ҳикмат.

Мақоладаги қониқиш мудаосини айтиш билан, бир диншунос мусулмон сифатида, унинг якунида қуйидаги фикрни ҳам кўришни истаганимни баён этмоқдаман.

Дарҳақиқат, оқил киши фоний дунёнинг давлатига боғланмайди. Чунки у абадий эмас, ўткинчи. Чинакам давлат, бу ҳалоллик, адолат ва эҳсоннинг ривожидир. Яъни иймон давлати абаддур. Банда бу дунёдан кетаётганда ўзи билан Оллоҳга бўлган муҳаббатини олиб беролса, икки дунё саодатига муносиб амалларини олиб боролса, бундан улуғроқ, каттароқ давлат бўлмас.

Оллоҳга тааллуқли, инсон камолотига тааллуқли шундай асарлар битмоқликни, сизларга Эгамнинг ўзи ҳамиша насиб этсин!

Авазхон ҲАЙДАРОВ, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани.

БУГУНИМИЗ ТАҲЛИЛИ

ҲАР КАЛЛАДА БИР ЁЗУВ: «ТОЗАСИ»ДАН БЕРАЙМИ?

Мундо-оқ бўш вақтимизда қўни-қўшниникига чиқиб, бир пиёла чой ичиб, ҳол-аҳвол сўрашни одат қилсак асакамиз кетадими?! Уйингдачи, дейсизми? Тўғри, чойни уйда ичсак ҳам бўлади. Лекин гап чойдамас-да. Қандай тушунтирсамикин... Хуллас, менда шунақа тушунтириб бўлмайдиган ҳолат юз бериб, «Шубҳасиз ўзимизники!» деган бир қути қутинг ўчгурдан кўтариб ён қўшнимнинг эшигини қоқдим.

- Тинчликми? - хавотир тўла кўзларини тикиб қаршилади қўшним.

«Уруш!» деб ўшқиришим мумкин эди. «Урушиб қолган одамлардай, шунча вақт тунд бўлишимиз нимаси?!» дея юзига солишим керак. Йўқ, «паст тушдим». Ўзимнинг ажойиб, фавқулодда ширинсуханлигим билан қўшнимни «синдириб» ташлагим келди.

- Ассалому алайкум, жон қўшнижон! - Азбаройи хушчақчақ кўринишга тиришдим. Гарчи фавқулодда остонасида пайдо бўлганимни кўриб танида жони қолмаганини сезиб турсам ҳам. - Тани-жонингиз омонми? Шундоқ ўзим, бир ҳол-аҳвол сўрайин деб чиқувдим-да! Иш, югуриш-елиш билан бўлиб кўришолмаймизам...

- Айтовринг, бизга нима хизмат бор? Қўлимиздан келганича...

- Э йўғ-е, шунчаки... Қандай тушунтирсамикин... Саломатлигингизни билай деб чиқдим. Жа-а, бир-биримиз билан узоқлашиб кетмайликда. «Қўшни» деган номимиз бор. Кирди - чиқди қилиб турайлик, аччиққина чой тутиб, ширин суҳбат қилиб...

Қўшнимнинг бирдан чеҳраси очилди. Ўзимниям дилим яйраб кетди, денг. Ана, энди тушунди, суҳбатимиз қовушиб кетади деб турувдим.

- Ҳа-а, «Импра» чойидан керакмиди? - деб қолди, - охирини кеча сотиб бўлувдиг-а, аттанг! «Импра»дан қолишмайдиганиям бор, олиб чиқайлик, кўрасиз-ми? Нархиям арзон.

Совуқ чойга тушган нондай бўшашдим.

- Мени нотўғри тушундингиз, - дедим ҳижолатпазликка йўл қўймасликка тиришиб, - чой сўрабмас, кўнгил сўраб чиқдим, холос... Бола-чақалар тинчми ахир?

- Тортинмай айтовринг қўшнижон, нима керак ўзи? Асил молларимиздан бор. Сизга майли ўз нархида бераман.

Мен хўрсиндим.

- Ҳеч нарса...

- Қани, уйга кирайлик.

Бу гап азбаройи хайрлашиш учун айтилганини тушундим. Минғирлаб аллақайдаги йўқ юмушларни баҳона қилиб хайрлашдим-у, уйимга қайтдим. Менинг дилгир қайтганимдан ҳайрон бўлган хотиним ҳол сўраган бўлди:

- Тинчликми, дадаси?

- Рўпарадаги қўшниникига чиқувдим... Менга қара, хабаринг йўқми, ортимиздаги қўшни уйидамикин? Оти нимайди... Ҳа, Абдулвайс! (Биз ҳазиллашиб шундоқ дердик. Ўзи Абдувасий). Бир гаплашиб чиқардим-да.

- Вой сизга чит нега керак? - сўраб қолди хотиним.

- Читни нима қиласиз?

- Абдувосит ака фабрикада ишлайдику. Газлама билан шуғулланади. Маҳаллани кўрпабоп чит билан таъминлайди. Бошқа нимани гаплашмоқчисиз бўлмаса?

Менинг энсам қотди.

- Эркак киши... кўрпалик латталар ҳақида гаплашсинми энди? Шунчаки отамлашиб чиқсам бўлмайдими?

- Ишдан жуда кеч келадилар. Ён қўшнига чиқа қолинг, импорт пойабзал билан шуғулланади.

Кулгим қистади. Уям тушунмаяпти.

- Барака топгур, шунчаки, қўни-қўшничилик-да. Аҳволларидан бир хабар олай дегандим, холос!

- Аҳволлари зўр! - оғзимга урди хотиним, - Ишлари беш бўлиб кетган. Нуқул хитой пойабзалларига ўтиб олишган...

Тўхта-тўхта, дедим ўзимга. Бу қўшниям ановисига ўхшаб мени нотўғри тушунса-я?! Саломатлик сўрайман деб «Саламандр» қўлтиқлаб чиқмайин яна! Ке қўй, яхшиси хотинимдан бир ҳол-аҳвол сўрай. Шу бечораниям жони бор танасида. Қирқта жони бўлсаям, барибир, тирик жон-да. Тақ этиб қирқтасиям ўчиб қолса... Туф-туф, худо ўзи кечирсин. Шу бечораниям ҳеч шахсий дарди билан қизиқмабман-а... Ҳалиги, сизга айтгандим-ку, «тушунтириб бўлмайдиган» ҳис кучайиб кетди менда.

- Мана бу ерга ўтир, хотин, - дедим елкасидан қучиб, - кел, бир гаплашайлик.

- Хўш, айтовринг, нимани гаплашиб берай? - қўлини телефонга чўзди, - «Тадбиркорлик клуби»да таниш-ларим кўп.

- Кел, қўй ўшаларни, жоним! Ўзингдан гапир, саломатлигингдан гапир. Чарчаб қолмаяпсанми?...

Ўпкам тўлиб кетди.

- Хавотир олманг, дадаси. Айтовринг, нима керак бўпқолди? Кайфиятим тушишига, чарчашимга қўйишмайди. Бир сим қоқсам кифоя. Нима, қаерда, қанча, бирпаста ҳал қилишади. Ажойиб эпчил, каллали ҳаммаси. Гапиринг, нимани гаплашиб берай?...

Сизга нима десам экан. Ғалати аҳволга тушиб қолдим-да. Қандай тушунтиришни билмайман. Ўзингиз ҳам тушуна олмаётгандирсиз? Лаббай?!

Муҳаммад ҚОДИР.

Сурхондарёлик Қора бахши Умир ўғли ва Шодмон бахши Хўжамбердиевлар юрт тарихини куйлашдан шодлар

КИТОБ ЖАВОНИ

«МУСТАҚИЛЛИК ЙЎЛИДАН»

Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти «Мустақиллик йўлидан» деб номланган маълумотномани босмадан чиқарди. В.Тюриков ва Р.Шоғуломов қаламига мансуб ушбу тўпламга Ўзбекистонда мустақиллик йилларида юз берган муҳим воқеалар, саналарга оид қизиқарли маълумотлар жамланган.

Китоб олти бўлимдан иборат бўлиб, уларда Ўзбекистоннинг давлат ва жамият қурилиши, тарихий ривожланиш жараёни, ижтимоий-бозор иқтисодиёти тузилмаси, жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрнига оид, шунингдек, таълим, фан, маданият, соғлиқни сақлаш, спорт соҳаларида қўлга киритилган ютуқлар тўғрисидаги маълумотлар ўз ифодасини топган.

Тарих фанлари доктори, профессор Карим Норматов масъул муҳаррир бўлган мазкур тўплам кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

ЎзА.

ТАНЛОВ:

МАҲАЛЛАМ МАДҲИ

Азиз муштарий! Эътибор бераётган бўлсангиз биз «Маҳаллам» деб номланаётган кўплаб шеърлар эълон қилаяпмиз. Зотан, уларни ўзгача номлаш ҳам қийин. Буни қарангки, шу номдаги шеърлар таҳририятимизга яна кўплаб келмоқда. Шу боисдан биз «Маҳаллам мадҳи» деб номланган шеърий танлов эълон қилдик. Унда оқсоқолларимиз, маҳалла фуқаролари иштироки кўзда тутилган. Шеърларингизни кутамиз. Муносиб деб топилган шеърлар албатта газетада эълон қилинади. Ғолиблар газетхон ва таҳририят фикри асосида аниқланади.

ОЛТИНДАН ТАХТ МАҲАЛЛАМ

Ҳаётга келиб топган
Энг улуғ бахт - маҳаллам.
Мадад деб суянганим,
Олтиндан тахт - маҳаллам.

Имоним, эътиқодим,
Ёруғ жаҳон - маҳаллам.
Сурурим ҳам ғурурим,
Шарафу шон - маҳаллам.

Киндигим қони томган,
Номус, орим - маҳаллам.
Йўқ сенда зарра ғубор,
Дилда борим - маҳаллам.

Сенсан нурли остона,
Отам-онам - маҳаллам.
Қўшним, дўст-биродарим,
Ҳам дурдонам - маҳаллам.

Сен менга йўлчи юлдуз,
Ога-иним - маҳаллам.
Кечам, бугуну эртам,
Ҳам индиним - маҳаллам.

Сенда меҳр, саҳоват,
Ва мурувват - маҳаллам.
Ҳам даромад белига
Ўзинг қувват - маҳаллам.

Миллатлар вакилига,
Тенг Гулистон - маҳаллам.
Ажратмаган инсонни,
Бағри бўстон - маҳаллам.

Кунма-кун тонгай чирой,
Хусни бекам - маҳаллам,
Бурда нонни ўртада,
Кўргай баҳам - маҳаллам.

Хуррам РАЙИМОВ,
Денов шаҳри фуқароси.
Гулистон кўчаси 44-уй, 8-хонадон.

ВИРУСЛИ ГЕПАТИТ

ШИФОКОР ОГОҲ ЭТАДИ

Ҳозирда кўпчилик одамларда сариқ касаллиги, яъни вирусли гепатит ҳақида кўп гапиришади. Сариқлик кўпгина хасталикларда учрайди. Лекин бу белги асосан вирусли гепатит-юқумли касалликка мансуб бўлиб, инфекция фақат касал одам ёки вирус ташувчидан юқади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вирусли гепатитнинг 5 тури аниқланган. Вирусли гепатитнинг «А» тури энг кўп учрайди ва вақти-вақти билан эпидемик вазиятнинг мураккаблашишига олиб келади.

Вирусли гепатитнинг «А» тури ҳол қуриши, дармонсизлик, бош оғриши, баъзида тана ҳароратининг 37-38 даражагача ошиши ҳамда кўнгил айнаши белгилари билан намоён бўлади. Касаллик ривожланганда кейин кўз оқи, бадан сариғаяди. Шуни айтиб ўтиш керакки, 30 фоиз беморларда сариқлик бўлмайди.

Вирус касаллардан соғ одамга сийдик, ифлосланган озиқ-овқат, сув, сочиқ, болалар ўйинчоқлари, идиш-товоқлар орқали, транспортда юрганда ва бошқа мулоқот йўллари билан юқиши мумкин.

Инфекция юққандан кейин бир ҳафтадан бир ойгача яширин даври бўлиб касаллик белгилари аста секин пайдо бўла бошлайди. Кўпинча ангина, шамоллаш, ревматизм ва бошқа касалликларга шубҳа бўлади.

Бу даврда сариқлик учрамайди. Энг хавфли давр касалликнинг бошланиш вақти ҳисобланади, чунки бемор бу вақтда сийдиги ва ахлати билан вирусларни кўплаб ажрата бошлайди ва ташқи муҳитни ифлослантиради.

Беморнинг даволаниш муддати бир неча ҳафтадан, то бир неча ойгача чўзилиши мумкин. Кейин анча вақтгача пархез сақлаш зарур бўлади. Вирусли гепатит ҳамма ёшда учраши мумкин, лекин 80 фоиз ҳолларда ёш болаларда учрайди.

Бу хасталикнинг олдини олиш учун фақат шахсий гигиена қоидаларига амал қилмоқ керак. Болаларнинг ўйинчоқларини меҳмон ва бошқаларга бермаган маъқул, уларни яхшилаб ювиб, дезинфекциялаш керак.

Сотиб олинган ўйинчоқлар ювиладиган ёки қайнатиладиган бўлса мақсадга мувофиқдир. Мактабга боралиган болаларнинг саломатлигини ҳар куни уйда ҳам, мактабда ҳам ота-оналар ва ўқитувчилар, ҳамшира кузатиб туришлари лозим.

Болалар муассасаси атрофида, бозорларда, кўчаларда, уй шароитида санитария назоратисиз тайёрланган овқатларни сотиб олиб истеъмол қилмаслик керак.

Болалар кўчада ҳар хил нарсаларни ўйнайдилар. Каттаю-кичик транспортда ушлагичларни ушлашга мажбур бўладилар, шунинг учун кўчадан уйга келганда, овқатдан олдин қўлни албатта совунлаб ювиш керак. Инфекция юқишининг олдини олиш учун организмни чиниқтириш зарур, мева ва сабзавотларни кўпроқ истеъмол қилиш лозим. Наматак дамламаси, лимон, кўкатлар ҳам витамин «С»га бой бўлганидан жуда фойдали.

Эсингизда бўлсин! Тозалик бор жойдан касаллик қочади. Касалликни даволашдан кўра олдини олиш осон, буни асло унутманг!

Р.ҚОСИМОВ,
Мирзо Улуғбек тумани,
Давлат Санитария эпидемиология назорати маркази Бош шифокори,
тиббиёт фанлари номзоди.

ЯНГИ БЎЛИМ ИШ БОШЛАДИ

Навоий вилоятининг Нурота шаҳрида «Бухоро қоракўл» ҳиссадорлик жамиятининг бўлими иш бошлади.

Корхонада қоракўл теридан аёллар пальтоси, бош кийимлари, телпаклар тайёрланяпти. Шунингдек, катта ёшдагилар учун ширбоз терисидан пўстин тикиш ҳам йўлга қўйилди. Ҳозирча бўлимда 12 киши меҳнат қилмоқда. Келгуси йилдан бу ерда қўшимча иш ўринлари очиш ва маҳсулотни хоригга чиқариш мўлжалланмоқда.

Ёркул Умар,
ЎзА мухбири.



Ҳосил роса бўпти-я

ДУНЁ... ДУНЁ... ДУНЁ...

ОЛАМДА ГАП КЎП

Қозоғистон пойтахти аҳолиси ичимлик суви танқислигидан азият чекмоқда, деб ёзади «КАЗААГ» ахборот маҳкамаси мухбири. Табиий захиралар ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш вазири С.Даукеевнинг билдиришича, республиканинг бошқа шаҳарларида ҳам бу муаммога дуч келинмоқда. Муаммони ечиш учун ичимлик сувидан тежаб-тергаб фойдаланиш зарур, дейди вазир. Айни пайтда Остонадаги сув қувурларининг 50 фоизи яроқсиз ҳолга келиб қолган.

***

Қирғизистон президенти А.Акаев халққа мурожаат қилиб, яна бир бор давлат раҳбарлигига сайланса, ўзи бошлаган ислоҳотларни якунига етказаяжагини маълум қилди. «КАБАР» ахборот маҳкамасининг ёзишича, ҳозирча президентликка даъвогарлик қилаётганларнинг бирортаси ҳали ўз дастурини эълон қилганча йўқ.

***

«КАБАР» ахборот агентлигининг маълум қилишича, бугунги кунда юзлаб қирғизистонликлар бўқоқ касалидан изтироб чекмоқда. Шифокорларнинг фикрича, истеъмол қилинаётган туз таркибида йод йўқлиги мазкур касаллик билан оғриганлар сони ошиб боришига сабаб бўлянти.

Илгари Қирғизистонга йодланган туз Россиядан келтирилар эди. Мамлакатдаги туз конларидан қазиб олинган маҳсулотнинг барчаси ҳам йодланган, деб бўлмайди.

***

Бу йилги қурғоқчилик Қозоғистон учун анча ташвишли келди. Жазирама туфайли биргина Шарқий Қозоғистон вилоятида 5,5 минг гектар бутазор ёниб кетди, деб хабар беради «КАЗААГ» ахборот маҳкамаси. Айниқса, мазкур вилоятнинг Ўлан, Жормин, Ўрдажар ва Қўтонқарағай туманларидаги ўрмончилик хўжаликлари кўрган зарар миқдори анча катта.

***

Германия ишбилармонлари Қирғизистондаги электроника маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи завод фаолиятини жонлантириш учун сармоя ажратди. Бу ерда мева қуритадиган кичик ҳажмдаги қурилмалар ишлаб чиқарилади. Айни пайтда Россия ва Қозоғистонда мазкур қурилмаларга қизиқиш каттадир. Бундан ташқари, корхонада иншоотларни қўриқлашда асқотадиган сигнализация ускуналари тайёрлаш йўлга қўйилади.

***

Россия чегарачиларининг тезкор гуруҳи Қирғизистоннинг Хитой билан туташ сарҳадларини қўриқлашда қирғизистонлик ҳамкасбларига кўмаклашмоқда, деб хабар беради «КАБАР» ахборот агентлиги. Хабарда таъкидланишича, Қирғизистон ҳукумати эндиликда чегарачилар тайёрлашга катта эътибор қаратишни кўзлаган.

***

Франциянинг «Кленкер» фирмаси Қирғизистон кимё-металл комбинатининг иш қувватини ошириш учун 650 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит ажратди. Режага кўра, бу ерда ҳамкорликда заҳарли чиқиндилардан минерал ўғит тайёрлаш йўлга қўйилади. Бу тадбир мамлакат иқтисоди ва экологияси учун катта фойда бўлади, деб ёзади «КАБАР» мухбири.

***

Япония ҳукумати Туркманистонга илк бор умумий миқдори 4 миллион иен бўлган қарз берди. 30 йилда қайтариш шарти билан ажратилган мазкур маблағ Туркманистон темирйўллари тизимини такомиллаштириш учун сарфланади. Мамлакат темирйўл транспортининг айни пайтдаги аҳволи қониқарли эмас.

***

Қирғизистон билан Япония ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари ривожланади, деб ёзади «КАБАР» ахборот маҳкамаси. Қирғизистон Бош вазири Омонгелди Муралиев билан қунчиқар мамлакати ташқи ишлар вазирлиги вакили Тоғо Кадзухико ўртасида бўлиб ўтган ўзаро суҳбатда шу ҳақда гап борган. Қирғизистон ҳукумати тоғ шароитида транспорт йўллари қуриш учун японияник йўлсозлар тажрибасидан фойдаланишни режалаштирмоқда.

ЎзА.

ЯХШИЛАР ГУЛШАНИ

Фозил қори Ёсин ўғли СОБИРОВ

30. ИККИ МАЗҲАБ АЎСТАЛАШСА, БУ БУЮК САВОБДИР

Дунёда ҳар ким ўз касбини, ўз вазифасини бажарсин экан-да. Масалан, ҳозир баъзилар билар-билмас ҳар нарсага аралашаверадилар. Ақли, билими, тажрибаси, савияси етмай туриб, соҳаси бошқа бўлишига қарамай «ундай бўлибди, бундай бўлибди, ана унинг иши тўғри, бу нотўғри иш қилаяпти» деб катта-катта олиму давлат арбобларини, дин уламоларининг фаолиятини муҳокама қиладилар. Ҳар ким виждонан Оллоҳ олдида масъуллигини сезган ҳолда касби-корига қараб иш қилса фитналар, ҳурматсизликлар келиб чиқмасди.

Бу аввало, ўша мустабид давр, қусурларидан деб биламан. Уларда, масалан ким нима деса деб юбораверарди. Кўнглига ўтирган ишни қилаверарди. Айтайлик, партия бир катта заводга хоҳласа бир санъаткорними, ё бир тилчиними раҳбар қилиб қўяверар эди. Ёки бир ижодиёт масканига муҳандис раҳбар бўлиб, ижод аҳлига ақл ўргатиб, уларнинг миясини қотириб юраверарди. Нима учун? Чунки партия ходими мансабга кўтариладиган одам комфирқа мафкурасини тўла бажарардида.

Туппа тузук баъзи илм соҳиблари билиб-билмай одамларни бир-бирига қайраса додингизни кимга, қандай айтасиз? Ҳамма нарсани беш қўлдек биладиганлар, қайси оқу, қайси қора билиб туриб, чўғ устига бензин сепиб, алангалатиб турса, мусулмончилигимиз нима бўлади? Ҳамма жанжал ноҳақликдан, фитналарга берилишликдан келиб чиқади. Қайси динда бир-бирини ўлдиришга буюрилади? Гап халқаро террорчиларнинг фойда кетидан қувиб, фитна чиқариб, бир-биримиз билан уриштириб қўйишадиган ишларида бўляпти. Эй, барака топкурлар, нимага керак сиёсатни динга аралаштириш. Унутмайлик иттифоқликда, ҳалолликда, яхшиликда гап кўп. Барака - тинчликда. Ҳар хил бекорчи нарсаларга вақтингизни беҳуда кетказманг. Бунинг ўрнига илм ўрганинг, касби-корингизни мукаммаллаштиринг. Ихтиро қилинг. Ибодат қилиб, намозларингиз устида истиқлолимиз, эркинлигимиз боқий бўлсин, баракали умр бергин, ёшларимизга инсоф бергин, деб дуо қилайлик. Илм жиҳатидан орқада қолмайлик. «Илми балоғат», «Илми мантиқ», «Ҳадислар» бор. Бугун улар ўз қўлимизда ўз алифбомизда, ўз тилимизда. Бу китобларда Оллоҳнинг каломи, Қуръондаги ҳар бир сўзига беш, олти хил қилиб тушунтириб берилди. Нима учун Имоми Бухорий, ал-Беруний, Имоми-Термизий, ал-Хоразмийдек етук бўлишга интилмаймиз. Илмнинг чегараси йўқ. Ўқисангиз, ўргансангиз янги қирралари чиқаверади. Қалбингиз ёрқинлашаверади. Илм ўрганибгина қолмасдан, уларни ҳаётимизга тадбиқ этинг, бошқаларга ҳам ўргатинг.

Шундай бир ақл билан ўйлаб, бир-икки масала талашганни яраштириб қўйиш ҳеч гап эмас. Бир Шиа масҳабидаги одам, бир Сунний масҳабидаги одам билан дўстлашиб қолибди. Иккала масҳабдаги мусулмон ҳам Оллоҳнинг ягоналигига иймон келтирган, Муҳаммад Оллоҳнинг пайғамбари эканига шаҳодат келтирган, Қуръонни маҳкам ушлаган, Рамазон ойида рўза тутишади, закотлари бор. Лекин ибодатларида фарқ бор. Бу икки масҳабдаги биродар «Бизнинг бу дўстлигимиз қаергача бораркин, бир домлаларимиздан сўраб кўрайликчи...» деб бир Шиа масҳабидаги домланинг олдига келишибди. «Бу Шиа, мен Сунний масҳабида. Шу дўстлигимиз қаергача бораркин, фатво берсангиз?» дейишибди. Ҳалиги домланинг илмсизлигини, ўзига жуда бино қўйиб юборганини кўринг, «Ҳў, аҳмоқона иш қилибсанлар, бир-бирларингиз билан дўст тутинманг. Сен биздан эдингку, нима жин уриб уларга кўшилиб кетдинг.» деб койиб берибди. Бу домла ҳатто Оллоҳнинг «Мени номим билан дўстлашганларни ёқтираман...» деган каломини ҳам билмайди. Илмсиз-да. Бундайлар ўзидан бошқанинг фикрини, гапини тан олмайди. Фақат мен ҳақман деб фитна, жанжалнинг пайидан бўлади.

Кейин ҳалиги икки дўст Сунний масҳабидаги домланинг олдига келишибди. Бу киши илмли, ислом дини илмини туну кун ўрганиб борадиган олим, Муҳаммад пайғамбаримизнинг «..талашманглар..» деган гапларига амал қиладиган домла экан. У киши икки дўстнинг мақсадини обдон эшитиб бўлиб, «Жуда яхши бўлибди, дўстлашганингиз. Оллоҳ сизлардан рози бўлсин. Энди салпал янглишган жойингиз бўлса Оллоҳим ўзи қози, жаннатларидан ато этса ажабмас. Чунки дўст тутинганингизнинг ўзи бир савобингизга икки савоб қўшиб турибди...» дебди. Ақл-идрок, ҳурмат, инсоний фазилатлардан келиб чиқиб, иш кўрилса ёмон бўлмайди. Демоқчимизки мана шу фитналар ҳам, қусур ишлар, бемаъни ҳаракатлар, ношукрчилик ҳам илмсизлик оқибатидандир...

ХОТИРА - МУҚАДДАС ТУЙҒУ

ШОГИРДЛАРИ КЎП ИНСОН ЭДИ

Ислом ака устоз сифатида отадан жуда эрта етим қолганини, суронли уруш йилларида мактабда ўқиш билан бирга онаси иссиқ тандирда ёпган бўрсилдоқ нонларни Эскижўва бозорида сотганини, сўнг матбаачилик техникумини тугатиб, меҳнат фаолиятини «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни цехларида ҳарф терувчиликдан бошлаганини, хуллас, ҳаётда кўп қийинчиликлар кўрганини гапириб, инсон ҳар қандай вазиятда ҳам сабр-тоқатли бўлиши кераклигини, ўз касбининг яхши мутахассиси бўлиши учун ўз соҳасини қунт билан ўрганиши лозимлигини кўп бор уқтирар эди. Шу боисдан тақдир тақозоси билан турли вақтли матбуот нашрларида ишлашимга тўғри келган бўлса-да, лекин доимо менда Ислом акани бир зум бўлса-да кўриб, у билан ҳол-аҳвол сўрашиш, дилкаш суҳбатларидан баҳраманд бўлиш иштиёқи устунлик қилар эди.

- Ҳақиқатдан ҳам Ислом ака жуда сермулоҳаза, етти ўлчаб бир гапирадиган инсон эди, - дейди биз билан суҳбатда Дегрез маҳалла оқсоқоли Анвар ака Юсупов. - У киши фаол жамоатчи сифатида маҳалламизда ўтказиладиган барча йиғинлар, маъракалар ва тўйларда бошқош бўлар эди. Уларни ихчам ва кам харажат ўтказиш борасида керакли маслаҳатлар берар эди. Ёшларимизни илм-маърифатли бўлишга, ўз эзгуниятларига эришиш йўлида тинмай изланишлари лозимлигини кўп бор уқтирар эди. Яхши инсоннинг дўстлари ҳам, ёру биродарлари ҳам кўп бўлади. Ислом ака ҳамиша одамлар орасида бир пиёла чой устида дилдан гурунглашиб ўтирганини кўп бор кўрганман. Шу боисдан у кишини маҳаллада ҳам, ўзи меҳнат қилган жамоада ҳам бирдек ҳурмат қилишади. Бир сўз билан айтганда, Ислом ака маҳалламизнинг виждони фахри эди.

- Очиғи, Ислом акадек олийжаноб инсон билан бир жамоада меҳнат қилганимдан беҳад мамнунман, - дейди Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси давлат тилини жорий қилиш бўлимининг етакчи мутахассиси Васила Комилова. - Кўпгина одамийлик фазилатларини шу кишидан ўргандим десам ҳеч муболаға бўлмайди. У киши жуда очиқ кўнгил, самимий, дилкаш одам эди. Биз ёшларга доимо оталарча ғамхўрлик қилар, ҳазил-мутойибалари билан ҳамиша кайфиятимизни кўтаришга ҳаракат қиларди.

Унинг матбаачилик соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати зое кетмади. У Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси фахрий унвонига сазовор бўлган ҳамда кўплаб Фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган эди. Меҳнат фахрийси, ўз касбининг фидойиси, салкам 40 йиллик умрини матбаачиликка бахшида этган марҳум Ислом ака Ғиёсов шогирдлари кўп бўлган инсон эди.

Исмоил ЗОИРОВ.

МАҲАЛЛАДОШЛАР ҚАЛБИДА ЯШАЙДИ

Фидойи инсон, олим, иқтидорли мураббий, Бодомзор маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ғайрат Ғаюбов 65 ёшида тўсатдан вафот этди.

У кўп йиллар Тошкент Давлат Университетида, сўнг Тошкент Политехника институтида кечки-сиртқи бўлими олий математика кафедраси мудири лавозимида самарали меҳнат қилди. Кўплаб шогирдлар етиштириб чиқарди.

Ғ.Ғаюбов 1998 йилдан то умрининг охиригача Юнусобод тумани Бодомзор маҳалла фуқаролар йиғини раиси лавозимида ишлади. Маҳалладаги фаолияти давомида иккинчи Жаҳон урушидан қайтмаган маҳалладошларига ёдгорлиқ қўйишда, маҳалланинг рамзий дарвозасини ўрнатишда, маҳалланинг ободончилиги, ёшлар тарбиясида бир қатор ишларни амалга оширди. Ғ.Ғаюбов маҳалладошлари олдида катта ҳурмат эътиборга сазовор инсон эди.

Заҳматкаш инсон, Ғ.Ғаюбов орамиздан кетди. Аммо унинг ёрқин хотираси ёру биродарлар, маҳалладошлари қалбида мангу яшайди.

«Маҳалла» жамғармаси
Юнусобод тумани бўлими,
Бодомзор маҳалла фуқаролар йиғини,
қариндош-уруғлари, дўстлари.

Бахтиёрлик

Мактабда оталар мажлиси бўларканми?

MAHALLA га
Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

обуна бўлиш учун ҳеч қачон ҳали эрта деб ўйламанг.

ДАМ ОЛАЯПМИЗ

БОҒДА «АСКИЯ КЕЧАСИ»

Халқимиз азал-азалдан кулгига, ҳазил-мутойибага мойил, ҳозиржавоб сўз ўйинларию қочиримлар унинг қон-қонига сингиб кетган. Шу сабабдан ҳам дунёнинг ҳеч бир бурчагида мавжуд бўлмаган аския санъати ўзбек халқининг зийнати ҳисобланади. Зеро, сўз ўйини, қочириқларга асосланган ҳозиржавоблик мусобақаси ҳисобланмиш аския тўй-томоша, базм, зиёфат ва сайилларимизнинг гултожидир.

Ўтган шанба куни шаҳримизнинг сўлим гўшаларидан бири - Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғи кулгу ва аския шинавандаларини яна ўз бағрига чорлади. Тошкент шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан у ерда ўтказилган «Аския кечаси» халқ сайили ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонларида шунчалик катта қизиқиш уйғотдики, ҳатто томошага мўлжалланган жой ҳам ихлосмандларни ўз бағрига сиғдира олмади.

Мана шундай хушчақчақ давраларда яйраш кишининг бутун чарчоқларини олиб, дарду ташвишларини унуттиради, - дейди «Аския кечаси»га келганлар.

Дарҳақиқат, шу куни боққа танга ташласангиз ерга тушмайдиган даражада кўп одам йиғилгани аскиячию қизиқчилар, хонандаларга ҳам ўзгача илҳому кўтаринкилик бахш этди. Марғилон, Қўқон ва Андижондан ташриф буюрган энг иқтидорли аския усталари Мамасиддиқ Шераев, Жўрахон Пўлатов, Йўлдошхон Носиров, Ҳотам Ҳакимжонов, Неъматжон Тошматов, Ҳасанбой Султонов, халқ ардоғидаги ҳофизлар - Маҳмуджон Тожибоев, Машрабжон Эрматов, иқтидорли қизиқчилардан Болтавой Тошматов, Валижон Шамшиевлар ижросидаги ичакузди ҳангомалар, турли мавзуларда аския пайровлари, дилтортар мумтоз қўшиқларни тинглаган ҳамюртларимиз беҳад яйрашди, санъат усталаримиз маҳоратига таҳсинлар ўқишди. Энг қувонарлиси, ушбу хайрли ташаббуснинг қанот ёзиб «Аския кечаси»нинг шаҳримизнинг бошқа боғларига ҳам кўчиши кўзда тутилмоқда.

Дилшод ИСРОИЛОВ.

СОЙИБ ХЎЖАЕВ ҲАНГОМАЛАРИ

(Мусиқали комедиядан парча)

Давоми, боши аввалги сонда

ҲАМЛЕТНИ ОРЗУ ҚИЛГАН «ТОШБОЛТА»

Умаршайх Мирзо Анжандан бўлган. Шунинг учун Бобуршоҳ дунёга келган. Ёки замонамизнинг зўр шоирларидан бири Эркин Воҳидовнинг отаси фарғонали, онаси тошканли бўлган. Худди шунингдек Комил Яшиннинг ҳам онаси тошканли бўлган. Ажабмас, менинг болаларим ҳам зўр одамлар бўлса деган мақсадим ҳам бор эди.

Фотомухбир: - **(аппаратини тўғрилаб чиқиллатиб)** Ана бўлди. Во! **(бармоғини кўрсатиб)**. Сойибжон ака, суратга олаётганимда ҳеч ериз оғримадими?

С.Хўжаев: - Йўқ.

Фотомухбир: - Ана шунақа, мен зўр сураткашман.

С.Хўжаев: - Ҳой, сураткаш, агар бир томонда ман, бир томонда калонпо сувратн чиқмаса ҳаммаёғим оғрийди. Бир ашула бор: чапга юрсам чап оёғим оғрийди. Ўнга юрсам ўнг оёғим оғрийди. Сувратмни чиқазмасанг ҳаммаёғим оғрийди деган.

Фотомухбир: - Яна битта савол...

С.Хўжаев: - Эй, сураткашам савол берадими? Чиқ этиб олиб, шип этиб кетаверади-да. Бошни қотириб савол беришга бало борми?

Фотомухбир: - Мен «вечерний» журналистикада ўқийман. Ҳам суратга оламан, ҳам савол бераман, қуйиб берсангиз яримтаниям ичиб кетавераман, лекин «сураткаш - алкаш» эмасман.

С.Хўжаев: - Ҳа, анойи эмаслигинг кўриниб турибди. «вечерний» журналистикада сенга ўхшаган уддабуронлар ўқийди, деб эшитганман. Зўр мутахассислар «вечерний»дан чиқади дейишади. Улар ўғил йўққа ўғил, қиз йўққа қиз, эри йўққа эр бўлиб кетаверадиганлар тўғрими?

Мухбир: - Кечирасиз, «Калонпо» дегани нима дегани?

С.Хўжаев: - Артистлар ўзаро амалдорларни калонпо дейди...

Мухбир: - Яна битта савол.

С.Хўжаев: - Шошиб турганда саволининг кўплигини? Ҳа, майли, айтақол.

Мухбир: - Файзихон ойим тошканли шундайми?

С.Хўжаев: - Ҳа, ғирт тошканли.

Мухбир: - Сиз анжанли-а?

С.Хўжаев: - Ҳа, ғирт анжанли.

Мухбир: - Тошканли қизга уйланишингизнинг сабаби нима?

С.Хўжаев: - Севги. Мен уни у мени...

Мухбир: - Бошқа мақсад бўлмаганми?

С.Хўжаев: - Албатта бўлган, Сен билсанг керак, онаси Тошкандан, отаси Водийдан бўлган оиладан буюк ёзувчилар туғилган.

Мухбир: - Масалан.

С.Хўжаев: - Масалан, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг онаси Қутлуғ Нигор Султон бегим Тошкант хони Юнусхоннинг қизи бўлган, Тошканда туғилган.

Мухбир: - Масалан.

С.Хўжаев: - Масалан, Ғафур Ғуломнинг хотини Водийдан. Яъни Қўқондан. Унинг битта ўғли академик. Жа бўлмаса Тўйчи ҳофизнинг ўғли Абилқосим, аскиячига ўхшаган узун ва тулдек бола туғилади.

Фотомухбир: - Ака, шундай кулиб туринг.

С.Хўжаев: - Мана кулиш биздан акаси.

Фотомухбир: - Ана бўлди. Эртага бизнинг газетанинг биринчи бетида бир тарафда Шароф ака, бир тарафда сизнинг мана шу жонон кулиб туришиз чиқади. Ҳа, топшириқ шунақа. Энди лапар айтиб, ўйнаб турган суратиз тўртинчи бетида бўлади.

С.Хўжаев: - Бўпти, ўйнаш ва куйлаш биздан-да.

Фотомухбир: - Энди саволим... Нега телевизорда кам кўринасиз?

С.Хўжаев: - Телевизордагилар арзон артистни топиб олишган. Мен яқинда, «ҳой яхшилар шу «Тошболта ошиқни» телевизорга ёзиб олинглар» деб кўпчилигига мурожаат қилдим. Ёзиб олишмади. Мени умуман кўрсатишмай қўйишди. Яқинда сирини билдим. Ўзимнинг бир театршунос укаларимдан бири мени «Масқарабоз» деб танқид қилибди. Шу газетани ўқимаган эканман. Шу-шу менга телевизорнинг эшиги ёпилиб қолибди. Наҳотки тушунмаса, комедия дегани ўзи масхарабозлик-да. Чарли Чаплин ким? Бизнинг тилда масхарабоз. Мендан Навоий фалсафаси, Отелло жасоратини талаб қилишнинг ўзи комедия. Бачканалик жонимга тегиб режиссёр Раззоқ акага жиддий рол беринг. Масалан, Ҳамлетни десам. Сизга тўғри келмайди. Сиз чиқиб бир десангиз ҳам халқ кулади. Ҳамлетни Тошболта қилиб ўйнаворасиз дейди. Ана шунақа укам, юрагим йиғлаётганини бир суратга ол!

Давоми бор.

Ҳайдар МУҲАММАД ҳожи.

Кўй (21.03-21.04). Бу ҳафта муҳитни барқарор деб бўлмайди. Шу сабабдан ўта фаоллик талаб қиладиган режа ва лойиҳаларга қўл уриш тавсия этилмайди. Рақиблар ва душманлар ҳам имкон борича унга зарар етказишга ҳаракат қиладилар. Бу эса баъзи кўнгилсизликларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун мазкур бурж остида туғилганлар ўз хатти-ҳаракатларини назорат қилишлари зарур.

Бузоқ (22.04-20.05). Бу белги остида туғилганлар ўз ҳаётий кучларини намойиш этадиган ҳафта. Улар янги ҳаётий йўналиш сари одимлайдилар. Шу маънода бузоқ буржи остида туғилганлар тақдирида ва унинг атрофида жиддий ўзгаришлар содир бўлади.

Эгизаклар (22.05-21.06). Руҳий ҳолатингиз анча пасаяди. Бу пайтда саломатликка кўпроқ эътибор бериш лозим. Дам олиш ҳақида ўйлаб кўриш ва жиддий қарорларни қабул қилмаслик ўринли. Атрофдагилар билан муносабатларингизни назорат қилинг.

Қисқичбақа (22.06-22.07). Баъзи режалаштирилган ишларингизда тўсқинлик учраса-да, умумий ҳаракат ва интилишларингиз самарали бўлади. Мазкур бурждa туғилганларнинг аксариятига ҳафта ўз обрўсини мустаҳкамлаш, янги даромад манбаларини топиш ва моддий ҳолатни яхшилаш имконини беради. Бунга атрофдаги яқинларингиз, янги танишларингиз ёрдами билан эришасиз.

Арслон (23.07-22.08). Ушбу ҳафта олдингизга қўйган талай мақсадларингизга етишингиз мумкин. Бу вақтда ўз меҳнатсеварлигингизни, ҳаётга жиддий муносабатингизни, ҳуқуқингизни яхши билишингизни ва баъзилардан устунлигингизни намойиш қилишингиз мумкин. Хизмат мавқеингизни ошириш борасида ҳаракатларингиз ҳам яхши натижалар бериши мумкин.

Паризод (23.08-22.09). Келаётган ҳафта сиз учун ўзига хос синов даври бўлади. Сиз олдиндан эришиб келаётган ҳурмат-эътиборингизни мустаҳкамлашингиз ёки аксинча - эҳтиётсизлик билан ўзгалар эътиборидан қолишингиз мумкин. Шу сабабли, ўз хатти-ҳаракатларингиз ва сўзларингизни назорат қилинг. Бу ҳафта дам олишга имкон бўлмайди.

Тарози (23.09-22.10). Янги танишув ва янги муносабатлардан эҳтиёт бўлинг. Сиз ҳаётдаги ўрнингизни мустаҳкамлаш ва муваффақиятга эришиш учун бор кучингизни ишга солишингиз, характерингизнинг кучли томонларини намойиш этишингиз керак.

Чаён (23.10-22.11). Бу бурж остида туғилганлар ўз фаолият чегараларини, иш алоқаларини кенгайтириш, янги даромад манбаларини топиш имкониятига эга бўладилар. Одамлар билан муроса қила оладиган, вазиятларга мослашиш хислатлари туфайли улар янги кишилар билан танишиб, атрофдагилар ҳурматига сазовор бўладилар. Уларнинг учрашувлари яхши натижа беради.

Ўқотар (23.11-21.12). Ўз фаолликлари ва ҳаракатчанликлари туфайли хизмат мавқеини ошириш имкониятларини яратадилар. Бунинг учун улар интилувчанлик, тартибликларини, эҳтиёткорликларини намойиш эта олишлари керак бўлади. Турли баҳс ва зиддиятлар эса иш кайфиятингизга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Тоғ эчкиси (22.12-19.01). Бу ҳафтада учрашув ва янги алоқалар самарали бўлиши мумкин. Бу белги остида туғилганлар ўз ижобий қобилиятларини янгича намойиш этиш имкониятига эга бўладилар. Ишга амалий ёндошиш, талабчанлик, бошқалар билан муомала қила олишлари билан улар ўз ҳаётий кучларини намойиш эта оладилар.

Ковга (20.01-18.02). Ҳафта давомида мураккаб вазиятлар ва қарама-қаршиликларга учрашингиз мумкин. Шу сабабдан, бу белги остида туғилганлардан сабр-қаноат талаб этилади. Бундай вазиятларда дўстлар ва қариндошларнинг ёрдами сизга маънавий қувват беради. Бу вақт ичида иш жойининг ўзгариши кутилади. Бошлиқлар ва ходимлар билан муносабатингизга ҳам жиддий эътибор беринг.

Балиқ (19.02-20.03). Балиқлар бу ҳафта турли учрашувларда, шартномаларда ишчанлик қобилиятларини намойиш этадилар. Қизғин ҳаёт оқимида улар ўзлари учун муҳим соҳани танлаб олишга қийналадилар. Булардан ўзингиз учун энг муҳимини танлаб олишга ва фаолиятингизни шу оқимга йўналтиришга ҳаракат қилинг.

Эгамберди КУДРАТОВ

ҲУШ-БЕҲУШ ТЎҚИЛГАН ФАЛСАФА

- Қизим, сенга, айтаман. Келиним сен эшит.

-Шунча эшитганим етар. Яхшиси, менга айтинг, қизингиз эшитсин.

***

Шохида эмас, баргида юрармиш.

Баргида юраверсин-чи, куз ҳам келар-да.

***

Бизга елиб-югуриб ишлайдиганлар керак.

Ўтириб ишлайдиганлар ўзимизда бор.

***

Ўқиганларга йўл кўрсатинглар!

Ўқимаганлар ўз йўлини ўзлари топишади.

***

- Шахсга сиғинганмисан?

- Ҳа!

- Кимга?

- Хотинимга.

***

Юз Норқобилдан, бир Бойқобил яхши.

ЖОНГА ТЕГДИ

Текширувчи қушдай елар,
Бири кетиб, бири келар,
Ғинг десангиз хато топиб,
Ҳамёнингни ундай элар.
Келиб, фикру онгта тегди,
Оғзи чой-у, нонга тегди
Миннат эмас, нон ҳурмати
Ҳаддан зиёд жонга тегди.

«ҚИШДА ҚЎШИБ БЕРАВЕРАСИЗ»

Афанди гидрометерология бошқармасига янги бошлиқ бўлди. Котибаси ҳузурига кириб:

- Ҳурматли Хўжа Насриддинович! Ҳарорат кундан-кунга ҳаддан ташқари кўтарилиб бораяпти. Одамлар ваҳимага тушмаслиги учун об-ҳаво маълумотини қайси йўсинда берайлик?, - дебди елпиғичини силкитиб.

- Бунгача қай йўсинда бўлса, шундай-да. - Афанди ҳайрон бўлиб деди.

- Бироз пасайтириб берардик.

- А, ҳа! Ҳозирча илгаригидек пасайтириб бераверинг.

- Пасайтириб бераверамаи-у, қолган ортиқча ҳароратни нима қиламан, - дебди котиба миғмовланиб.

- Уҳ, нима қилардингиз! Қишда ҳарорат ҳаддан зиёд пасайганда одамларни чўчитмаслик учун оз-оздан қўшиб бераверасиз вассалом! - дебди Афанди пешонасидаги терни артаркан.

ДЕЙДИЛАР

Мукка кетган майхўрлар
Хотин жафо дейдилар
Ит бошини силашиб,
Қайда вафо дейдилар.

ҲА, ЗИЛ — ҲУ, ЗИЛ

MAHALLA
Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Шухрат ЖАЛИЛОВ
Иброҳим РАҲИМ
Расул РАҲМОНОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Рустам ҚОСИМОВ

Масъул котиб:
Аслиддин БЎРИЕВ

Навбатчи:
Олим БЕГАЛИЕВ

Саҳифаловчи:
А. ЮЛДАШЕВ

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

Буюртма Г-640

Топширилди—20.30